

Шайх Фуда юртимизда меҳмон бўлиб турибди



19:29 / 02.03.2020 2190

Аввал хабар қилганимиздек, Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган «**Имом Абу Мансур Мотуридий ва Мотуридия таълимотини: ўтмиш ва бугун**» мавзусида халқаро конференция ўтказилиши муносабати билан мантиқ ва усулул-фиқҳ илмлари олими, шайх Саъид ибн Абдуллатиф Фуда юртимиз меҳмони бўлиб турибди.

2-март куни шайх Саъид ибн Абдуллатиф Фуда зиёратларини Тошкентдаги Қорасарой кўчасининг Ҳасти Имом (Ҳазрати Имом) мажмуасидан бошладилар. Мажмуадаги музей-кутубхонада сақланаётган Усмон Мусҳафини кўздан кечирдилар. Кейин Бароқхон мадрасасини зиёрат қилдилар.





Сўнгра Абу Бакр Қаффоли Шоший роҳимахуллоҳнинг қабрлари зиёрат қилинди.



Зиёратдан кейин Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтига ташриф буюрдилар. Ташриф асносида олийгоҳда таҳсил олаётган талабалар билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув жараёнида ақоид (калом), мантиқ ва усулул-фиқҳ илмлари соҳасидаги етук олим, шайх Саъид ибн Абдуллатиф Фуда мавъизалар қилдилар. Учрашув якунида юртимизнинг азиз меҳмони ва талабалар хайрли дуолар қилишди.







Учрашувдан сўнг, мухтарам меҳмон «Hilol nashr» нашриёт-матбаа босмахонасининг янги биносига ташриф буюрди. У ерда «Hilol nashr» нашриёт-матбааи раҳбари Исмоил Муҳаммад Содиқ шайх Саъид ибн Абдуллатиф Фуда ҳафизаҳуллоҳга эсдалик совғалар топширдилар.









Эслатиб ўтамиз, муҳтарам меҳмон 3-5 март кунлари Самарқандда бўлиб ўтадиган «**Имом Абу Мансур Мотуридий ва Мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун**» мавзусидаги халқаро конференцияси доирасида юртимизга ташриф буюрган.

Islom.uz портали таҳририяти